

11

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 332.012.324.4 (575.1)
658.1 (575.1)

РАСУЛОВ НОДИРБЕК МАДРАХИМОВИЧ

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ НЕГИЗИДА КОРХОНАЛАР РИВОЖЛАНИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
(Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари материаллари мисолида)

08.00.13 – “Менежмент ва маркетинг”

Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2010

11

658(043.3)

658.01

P25

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган

Илмий раҳбар: Иқтисод фанлари доктори, профессор
Зайнутдинов Шавкат Нуриддинович

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори
Хамидуллин Михаил Борисович
иқтисод фанлари доктори
Суюнов Дилмурод Холмурадович

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси давлат
мулкни бошқариш давлат қўмитаси


Химоя 2010 йил "18" ИЮН соат 9⁰⁰ да Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси буйича Д.067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгашнинг мажлисида бўлади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил "15" май да таркатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, иқтисод
фанлари доктори, профессор



Б.Б.Беркинов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон саноат корхоналари жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви шароитида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, рақобатбардошлигини, шунингдек, инвестиция жозибадорлигини ошириш, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш каби муҳим вазифаларни ҳал этиши тақозо қилинади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инкирозга қарши чоралар дастури бу борадаги саъй-ҳаракатлар янада кучайтирилиши, корхоналарга замонавий технологияларни кенг жорий этиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнини ривожлантириш, бунинг учун инвестициялар жалб этиш доирасини кенгайтириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов уқтирганидек, "... инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди"¹.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида ташкил этилган акциядорлик жамиятларида халқаро алоқаларнинг мустақамланиб бориши самарали корпоратив бошқарув тизими кенгроқ жорий қилинишини талаб этмоқда. Дарҳақиқат, мулкчиликнинг бу шакли, мулкка эгалик баробарида ундан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш, шунингдек, акцияларни мулкдорларга сотиш эъзига инвестицияларни жалб этиш масаласи энг самарали ҳал этилишини таъминлашдек муҳим хусусиятлари билан ажралиб туради. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов шунинг учун ҳам давлат улдушига эга акциядорлик жамиятлари раҳбарлари олдига корхоналар фаолияти барқарорлигини ошириш, уларнинг бу борадаги жавобгарлигини кучайтириш, "... инвестицияларни жалб этиш, базавий тармоқларни ривожлантиришда индустриал ўсишга эришиш"²ни таъминлашни кўзда тутган муҳим вазифаларни қўйди.

Демак, жаҳон бозорида молиявий-иқтисодий инкироз ҳукм сураётган ҳозирги вазиятда мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш иқтисодиётнинг барча соҳаларига инвестицияларни жалб этишнинг муҳим омилли ҳисобланади. Шу боис корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш объектив жиҳатдан зарур бўлиб, саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигига ва иқтисодий ўсиши учун талаб этиладиган инвестицияни жалб этиш қобилиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон саноат корхоналари самарадорлигини янада оширишда корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга долзарб масалалардан ҳисобланади.

¹ Каримов И.А. "Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир". Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий ақунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни нажтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маъруза // Ишонч, 2010 йил 30 январь.

² Ўз.Р. Президентининг 2007 йил 20 июлдаги "2007 – 2010 йилларда хусусийлаштиришни чуқурлаштириш ва чет эл инвестицияларини жалб этишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-672-сонли қарори // Халқ сўзи, 2007 йил 24 июль.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корпоратив бошқарув муаммолари дастлаб жаҳон иқтисодиёт фанининг А.Берли, Г.Минза каби намояндлари томонидан тадқиқ этилган. Уларнинг бу борадаги тадқиқотларини кейинчалик И.Ансофф, М.Мескон, Ф.Тейлор, А.Файоль, М.Хессель, А.Шлейфер каби таниқли олимлар ривожлантиришган³. Россия иқтисодчи олимларидан А.Бандурин, А.Булатов, В.Дементьев, М.Круглов, А.Радыгин, И.Храброва, Б.Чуб, М.Эскиндаров ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўтиш иқтисодиёти даврида корпоратив тузилмалар ва уларда корпоратив бошқарувни ташкил этиш масалалари ўз аксини топган⁴.

Ўзбекистонда корхона ва тармоқлар бошқарувини ташкил этиш ва самардорлигини ошириш борасидаги тадқиқотлар мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Ё.Абдуллаев, К.Абдурахмонов, Ш.Зайнутдинов, М.Икрамов, Т.Иминов, Н.Йўлдошев, А.Пардаев, Д.Рахимова, М.Турсунхўжаев, М.Шарифхўжаев, Ғ.Шерматов, Ш.Шохаъзамий, А.Қодиров, С.Ғуломов, Т.Эргашев ва бошқаларнинг асарларида ёритилган. Кейинги йилларда республикада Б.Беркинов, С.Гулямов, Д.Суёнов, М.Хамидулин, Ғ.Ханкельдиева, А.Хашимов, Д.Қосимова каби олимларнинг илмий тадқиқотларида акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни жорий этиш муаммолари муайян даражада ўрганилган. Жумладан, Б.Беркиновнинг⁵ илмий изланишларида мамлакатимизда корпоратив тузилмаларни ташкил этиш ва улар фаолиятини бошқариш масалалари тадқиқ этилган. С.Гулямовнинг⁶ илмий изланишларида мамлакат акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув муносабатларини ривожлантириш, соҳадаги муаммоларни ечишнинг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топган. Д.Суёновнинг⁷ илмий изланишларида эса бизнес муҳит ривожланишига корпоратив бошқарув механизминини жорий этиш масалалари, корпоратив бошқарув тамойиллари ва механизмлари ўрганилган. М.Хамидулиннинг⁸ илмий тадқиқотларида Ўзбекистон иқтисодиёти реал секторидаги акциядорлик жамиятларида корпоратив

³ Ансофф И. Новая корпоративная стратегия. – СПб: Издательство “Питер”, 1999. – 416 с.; Мескон М., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. – М.: Дело, 1998. – 704 с.; Хессель М. Корпоративное управление. Владельцы, директора и наемные работники акционерного общества. – М.: Партиер, 2004. – 49 с.; Ја Порта Р., Лопес-де-Силанес Ф., Шлейфер А. Корпоративная собственность в различных странах мира // Российский журнал менеджмента, 2005. – № 3, – 148 с.

⁴ Булатов А.Н. Методические инструменты комплексной оценки экономической эффективности корпоративного управления на промышленных предприятиях Российской Федерации.: Дисс. ... канд. экон. наук. – К., 2001. – 183 с.; Бандурин А.В. Деятельность корпораций. – М.: БУКВИЦА, 1999. – 560 с.; Радыгин А.Д., Энтов Р.М. Корпоративное управление и защита прав собственности: эмпирический анализ и актуальные направления реформ. – М.: ИЭПП, научные труды №36Р, 2001. – 186 с.; Храброва И.А. Корпоративное управление: вопросы интеграции. – М.:2000. – 198 с.; Чуб Б. Корпоративное управление. Уч. пособие для вузов. – М.: Прогресс, 2004. – 204 с.; Эскиндаров М.А. Особенности развития корпоративных отношений в современной российской экономике.: Автореф. Дис. ...д-ра экон. наук. – М., 2000. – 25 с.

⁵ Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры (Основы создания и управления). – Т.: Изд-во Нац.б-ки Узбекистана, 2005. – 132 с.

⁶ Гулямов С.С. Развитие законодательство об акционерных обществах в системе корпоративных отношений и проблемы его совершенствования: Автореф. дис. на соискание степени доктора юридических наук. – Т.:ТГУЮИ.2005. – 43 с.

⁷ Суёнов Д.Х. Бизнес муҳитнинг ривожланишига корпоратив бошқарув механизминини жорий этишни такомиллаштириш.: Иқтисод фанлари доктори. ... дисс.автореф. – Т.: 2008. – 45 б.

⁸ Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления: Автореф. дис. на соискание степени доктора экономических наук. – Т.: 2008. -- 38 с.

бошқарув механизми шаклланиши ва ривожланишининг концептуал асослари ҳамда корпорациялар ривожланишида молиявий механизм воситалари ёритилган. Г.Ханкельдиеванинг⁹ илмий изланишларида корхоналарнинг ташкилий тузилма ва стратегиясини такомиллаштиришда корпоратив бошқарув тизимига таъсир этувчи омиллар таҳлил этилиб, уни жорий этиш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. А.Ҳашимов¹⁰ “Ўзбекистонда интеграциялашган корпорацияларни бошқариш” номли монографиясида интеграциялашган корпоратив тузилмаларни ташкил этиш ва уларда корпоратив бошқарувни ривожлантиришни илмий-амалий нуқтаи назардан асослаб берган. Д.Қосимованинг¹¹ илмий изланишларида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган миллий холдинг компаниялари ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланишни бошқариш масалалари тадқиқ этилган. Ш.Юлдашев, Д.Суюнов, М.Ҳамидулинларнинг¹² “Акционерлик жамиятларида корпоратив бошқарув” ўқув қўлланмасида акционерлик жамиятларида корпоратив тизимни шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий, амалий, ҳуқуқий асослари кўрилган. Улар ўз илмий изланишларида миллий корпорацияларда бошқарувни такомиллаштириш, стратегик режалаштириш ҳамда бошқарув тизимининг турли элементлари моҳиятини назарий жиҳатдан очиб беришган.

Бирок мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда корпоратив бошқарув иқтисодий механизмларини такомиллаштиришнинг илмий жиҳатларини асослаш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизмларини жорий қилиш зарурлигини тадқиқ этиш, корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негизида корхоналар иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш масалалари етарлича ўрганилмаган. Корхоналарни модернизация қилиш, инвестиция жозибadorлигини оширишда корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш муаммоси мамлакатимиз санoат корхоналари иқтисодий ривожланишини эътиборга олган ҳолда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларга мос бўлган замонавий ёндашувни амалга ошириш тадқиқотнинг мақсад ва вазибаларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Корпоратив бошқарув” кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган.

Тадқиқот мақсади – корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негизида корхоналар самарадорлигини

⁹ Ханкельдиева Г.Ш. Совершенствование организационной структуры и стратегии в корпоративном управлении (на примере машиностроительных предприятий Республики Узбекистан). Автореф. дис. на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Т.: ТГТУ. 2002. – 26 с.

¹⁰ Ҳашимов А.А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпорацияларни бошқариш. – Т.: Фан, 2007. – 299 б.

¹¹ Қосимова Д.С. «Ўзбекнефтегаз» МХК ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланишни бошқариш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун бажарилган дис. ишига автореф. – Т.: ТДТУ. 2006. – 42 б.

¹² Юлдашев Ш.Ф., Суюнов Д.Х., Ҳамидулин М.Б. Акционерлик жамиятларида корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Т.: Академия, 2005. – 138 б.

ошириш бўйича илмий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Диссертацияда кўзланган максадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланган:

- турли услубий ёндашувларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида корпоратив бошқарувнинг моҳияти ва иқтисодий аҳамиятини очиб бериш;

- корпоратив бошқарувнинг жаҳон амалиётида қўлланиладиган механизм ва дастакларини таҳлил этиш асосида улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарувнинг ташкилий тизими ва корхона самарадорлигини баҳолаш асосида корпоратив бошқарув механизмларини янада такомиллаштиришнинг асосий вазифаларини белгилаш;

- корпоратив бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш борасида илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

- корхона самарадорлигини оширишнинг асосий йўналиши сифатида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсияларни илмий асослаш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси sanoat корхоналари фаолияти ва Наманган шаҳридаги “Нотўқимачи” акциядорлик жамияти олинган. Акциядорлик корхоналарида корпоратив муносабатлар ва корпоратив бошқарув механизмлари тадқиқот предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маъруза ва асарларида иқтисодиётни ислох қилиш, уни модернизациялашга оид ҳамда корхоналарни бошқаришда янгича услублардан фойдаланиш, корхоналарга самарали хўжалик юритиш шакл ва усулларини жорий этиш юзасидан билдирилган фикрлар, Ўзбекистон Республикасининг шу масалага доир қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, иқтисодчи олимларнинг корпоратив бошқарув бўйича олиб борган тадқиқотлари, уларда илгари сурилган ғоялар ва ишлаб чиқилган ҳулосалар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда мантиқий ва қиёсий таҳлил, илмий абстракция, тизимли таҳлил, монографик кузатиш, илмий мушоҳада, статистик гуруҳлаш ҳамда график усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг маълумотлар таянчи. Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ва унинг Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси, Давлат статистика қўмитаси, “Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси ҳамда Наманган шаҳридаги “Нотўқимачи” очик акциядорлик жамиятининг йиллик ҳисобот маълумотлари, турли даврларда нашр этилган расмий статистик тўпламлар, тадқиқотчи томонидан ўтказилган кузатиш ва таҳлил натижалари, шунингдек, монография ҳамда илмий рисоалардаги амалий материаллар тадқиқотнинг ахборот асосини ташкил этади.

Тадқиқот гипотезаси. Sanoat корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик қайта таъминлашни жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан

технологияларни кенг жорий этиш корпоратив бошқарувни ташкил қилиш ҳамда унинг механизмлари самарали ишлашига боғлиқ. Шунинининбатга олганда корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда корпоратив муносабат иштирокчилари манфаатларини тўлароқ ҳисобга олиш имконини беради.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- акциядорлик жамияти самарадорлигини оширишда корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш йўллари;
- корхоналар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлган корпоратив бошқарувнинг мажмуавий механизми;
- корпоратив бошқарув тизими ва механизмлари самарадорлигини оширишга таъсир этадиган воситалар;
- корпоратив бошқарувнинг миллий моделини такомиллаштириш бўйича тақлифлар.

Илмий янгиллиги:

- самарали корпоратив бошқарув тизими шаклланиши, уни такомиллаштириш ёндашувларининг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий моҳияти очиб берилган;
- очиқ акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув механизми самарадорлиги баҳоланган ва уни ривожлантириш йўналишлари асосланган;
- акциядорлик жамиятлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган корпоратив бошқарув органлари фаолиятининг мажмуавий механизми тавсия этилган;
- корпоратив бошқарув жараёнида корпоратив манфаатлар мувозанатини таъминлаш механизмлари тизими тавсия этилган;
- корхона, ҳудуд ҳамда республика миқёсида корпоратив бошқарувнинг миллий моделини такомиллаштириш йўллари илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг натижалари, илмий-услубий хулосалари ва амалий тақлифлари Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ҳамда унинг вилоят ҳудудий бошқармаларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг назарий жиҳатларини маълум даражада бойитишга ҳисса қўшиши мумкин.

Шунингдек, тадқиқотда ишлаб чиқилган айрим тавсиялардан олий ва ўрта махсус таълим тизимида “Менежмент”, “Корпоратив бошқарув” каби фанлардан ўқув дастурлар ва қўлланмалар тайёрлаш ҳамда ўқув жараёнларида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқотда ишлаб чиқилган тақлиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси (№01-01/896, 10.07.2008 й.) ҳамда Наманган шаҳридаги “Нотўқимачи” очиқ акциядорлик жамияти томонидан (№712, 12.12.2007 й.) ишлаб чиқаришга жорий этиш учун қабул қилинган.

Ишнинг синондан ўтиши. Диссертациянинг асосий натижалари “Акциядорлик жамиятларида бошқарув самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари” (Наманган, 2003), “Мулкчилик соҳасидаги ислохотлар ҳамда миллий иқтисодиётда акциядорлик жамиятларининг ўрни ва истиқболлари” (Наманган, 2003), “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни ривожлантириш истиқболлари” (Наманган, 2006), “Акциядорлик жамиятлари иқтисодий самарадорлигини оширишда инвестициялардан фойдаланиш муаммолари” (Самарқанд, 2006), 20-халқаро “Плеханов ўқишлари” илмий-назарий анжумани (Москва, 2007), “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш муаммолари” (Андижон, 2007), “Самарали корпоратив бошқарув – инвестицияни жалб этишнинг гаровидир” (Тошкент, 2007), “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни ривожлантириш муаммолари” (Фарғона, 2007) мавзуларидаги республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларида маърузалар қилинган ва ижобий баҳоланган.

Диссертация иши, шунингдек, Наманган муҳандислик-педагогика институти илмий-техник кенгаши ва “Менежмент”, “Иқтисодиёт” ва “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраларининг қўшма мажлисида (25 июнь 2008 йил), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси “Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари” факультетининг кенгайтирилган илмий-услубий кенгашида (25 декабрь 2008 йил) ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги Д.067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгашнинг 08.00.13 – “Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги бўйича илмий семинарида (24 сентябрь 2009 йил) муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича умумий ҳажми 3,2 босма табоқ бўлган 4 та мақола ва 12 та илмий тезис маҳаллий ҳамда чет эл нашрларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шунингдек, 20 та жадвал, 20 та расмни ўз ичига олган, умумий ҳажми 155 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўрганилаётган муаммонинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари белгиланган, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган.

Диссертациянинг **“Корпоратив бошқарув шаклланиши ва ривожланишининг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида корпоратив бошқарувнинг моҳияти, тамойиллари, жаҳон амалиётида қўлланиладиган механизм ва дастаклари, уни ривожлантиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилган.

Эркин рақобат шароитида корпоратив бошқарув моҳиятининг назарий асосларини тадқиқ этиш иқтисодиёт фани олдидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ҳозирда жаҳон амалиётида корпоратив бошқарув механизмларидан фойдаланиш ҳамда уни тартибга солиш юзасидан бой

тажриба тўпланган. Мамлакатимизда ҳам замонавий бошқарув усулларидан бири сифатида эътироф этилаётган корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш орқали корхоналар самарадорлигини ошириш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистонда корпоратив бошқарув асослари бозор ислохотларини амалга ошириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш давридан шакллана бошлади.

Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, “корпоратив бошқарув” тушунчасининг ифодаланиши у ёки бу муаллиф тадқиқ этадиган соҳага боғлиқдир. Шуни инобатга олиб, тадқиқотда ушбу тушунчага хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан берилган турли назарий концепциялар ва амалий ёндашувлар ўрганилди.

Муаллиф фикрича, “корпоратив бошқарув” тушунчасини аниқлашда кенг тарқалган қуйидаги ёндашувлар асосий ҳисобланади: И.А.Храброванинг¹³ фикрича, корпоратив бошқарув – қабул қилинган мақсаддан келиб чиқиб, бизнесни ташкилий-ҳуқуқий расмийлаштириш, ташкилий тузилмани оптималлаштириш ҳамда компаниянинг ички муносабатларини яратишдир. С.Карнаухов¹⁴ эса корпоратив бошқарувни маълум стратегик самаралар йиғиндисидир, деб таърифлаган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ш.Зайнутдинов, Д.Рахимоваларнинг¹⁵ фикрига кўра, “Корпоратив бошқарув – манфаатдор шахсларнинг даромад олиш мақсадида биргаликдаги ҳаракатларидир”. Мазкур йўналишда илмий изланиш олиб борган Д.Суюнов¹⁶ таърифи бўйича эса, “Корпоратив бошқарув – бу мулк шаклидан қатъий назар амалдаги ҳуқуқий меъёрларга асосланиб, бошқарувнинг маълум бир тамойиллари асосида корхона мақсадига эришиш учун амалга оширилувчи фаолият мажмуидир”. М.Хамидулин¹⁷ корпоратив бошқарувга “... корпорация мулкдорларининг корпорация капиталини шакллантиришга, ундан фойда олиш мақсадида янада самарали фойдаланишга ҳамда олинган даромадларни корпоратив муносабатларнинг барча иштирокчилари ўртасида адолатли тақсимлашга қаратилган стратегик муҳим қарорларни белгилаш, таърифлаш ва қабул қилишга доимий ва реал таъсирини таъминлашдаги онгли, бевосита иштирокидир”, – деган таъриф берган. А.Ҳашимов¹⁸ “Корпоратив бошқарувнинг асосий мазмуни акциядорлик жамиятининг фаолиятига жалб этилган турли шахслар манфаатлари мувозанатини ўрнатишдан иборат”, – деган хулосага келган. Юқорида келтирилган “корпоратив бошқарув” тушунчасига берилган таърифларни илмий асосланганлигини эътироф этган ҳолда таъкидлаш керакки, уларда бошқарув муаммолари моҳиятини эмас, балки унинг шаклларини ўрганиш натижаларига тааллуқлидир. Корпоратив бошқарув тизими таърифини биринчилардан бўлиб мамлакатимиз олимларидан

¹³ Храброва И.А. Корпоративное управление: вопросы интеграции. – М.: 2000. – 198 с.

¹⁴ Карнаухов С. Эффективность корпоративных структур // Риск. – Москва, 2004. - №1-2, – 4 с.

¹⁵ Зайнутдинов Ш.И., Рахимова Д.Н. Корпоратив бошқарув асослари. – Т.: Академия, 2007. – 48 б.

¹⁶ Суюнов Д. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: Академия, 2007. – 319 б.

¹⁷ Хамидулин М.Б. Финансовые механизмы корпоративного управления. Монография. – Т.: Молия, 2008. –204 с.

¹⁸ Ҳашимов А.А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпоратив тузилмаларни бошқариш методологиясини такомиллаштириш: Иқтисод фанлари доктори илмий даражаси учун дисс.иши. – Т.: 2007. – 338 б.

Б.Беркинов¹⁹ аниқлаштиради. Унинг фикрича, “Корпоратив бошқарув тизими – бу мураккаб, тез ўзгарувчан механизм бўлиб, у бир-бирига боғлиқ кўплаб ташкил этувчилар, жумладан, қонунчилик, қонуности ҳужжатлари ҳамда корпорацияни мулкдорлар, бошқарувчилар ва кредиторлар томонидан назорат қилишнинг ички механизми ҳисобланувчи ички меъёрий ҳужжатлар мажмуини ўз ичига олади”.

Ушбу тадқиқотлар асосида “корпоратив бошқарув” тушунчасига муаллиф томонидан қуйидагича таъриф берилди: корпоратив бошқарув – бу корпорацияларни бошқарув қонунлари, механизмлари ва тамойилларига хос, унинг асосида ётувчи мақсад, вазифалар ва муносабатлар асосида фаолият кўрсатувчи тизимдир.

Тадқиқот жараёнида ривожланган хориж амалиётида корпоратив бошқарув тизимида тўпланган илғор тажрибалардан саноат корхоналарини бошқариш фаолиятида фойдаланиш масалалари кенг илмий тадқиқ этилди. Тадқиқотда таъкидланишича, корпоратив бошқарув тизими ривожланган мамлакатларда мулкдор билан менежерлар ўртасидаги муносабатларда, яъни корпорацияларда мулкдорлар билан мулкни бошқариш бир-биридан ажралиши туфайли келиб чиқадиган зиддиятларни бартараф этишнинг икки хил ёндашуви мавжуд. Буларга мулк майда қисмларга бўлиниб кетган иқтисодиётда (АҚШ, Буюк Британия) менежерлар ўзини мустақил бошқарувчилар сифатида тутиши ҳамда Германия, Япония ва Россия каби мамлакатлар иқтисодиётида мулкнинг тижорат банклари қўлида тўпланиши (ишончномалар олиш, банк депозиторийлари қимматли қоғозларни сақлашга қабул қилиши ва шу сингари йўллар билан) жиҳатларни таъкидлаш мумкин.

Таҳлиллар кўрсатишича, корпоратив бошқарувда акциядорлар ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва ҳимоялашнинг самарали тизими асосини корпоратив бошқарув тамойилларига қатъий риоя этилиши ташкил қилади. Чунки корпоратив бошқарув тамойилларига қатъий амал қилиш муҳим инвестицион қарорлар қабул қилиш чоғида эътиборга олиниши керак бўлган асосий омиллардан бири саналади. Эслатиб ўтиш кераки, корпоратив муносабатларда иштирок этувчиларнинг манфаатлари бир-биридан кескин фарқ қилади. Шу боис турли хил манфаатларнинг компания фаолиятига салбий таъсирларини кескин камайтириш, манфаатдор гуруҳлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадидаги бошқарув тизими корпоратив бошқарув номини олди.

Шундай қилиб, корпоратив бошқарув тизими корпорациянинг юқори мансабдор шахсларини акциядорлар томонидан назорат қилиш усулларига ва уларнинг эришилган натижалар бўйича акциядорлар олдидаги жавобгарлигини баҳолашга қаратилди. Ушбу ҳолат салоҳиятли инвесторлар учун умумий қоидалар ишлаб чиқиш ва жорий этиш заруриятини келтириб чиқарди. Бу эса, инвесторлар у ёки бу акциядорлик жамияти қандай бошқарув тамойиллари асосида фаолият кўрсатаётганлиги, унинг эгалари ким эканлиги, корхона самарадорлиги қай даражадалиги тўғрисидаги маълумотларни олиш ва ўрганиб

¹⁹ Беркинов Б. Корпоративные структуры (Основы создания и управления) – Т.: Изд-во Нац.б-ки Узбекистана. 2005. – 132 с.

чиқиб, киска муддатда ва катта бўлмаган харажатлар сарфлаб, инвестиция қилириш тўғрисида қарорлар қабул қилишига шароит яратди.

Тадқиқотда ривожланган хорижий давлатларда корпоратив бошқарувнинг тамойилларига қатъий амал қилиниши инвесторлар билан муваффақиятли иш олиб боришда муҳим ўрин тутиши кенг илмий тадқиқ қилинди. Корпоратив бошқарувнинг ривожланган хориж тажрибасида тан олинган акциядорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ошкоралик, адолатлилик, жавобгарлик ҳамда ҳисоб бериш мажбурияти тамойиллари шулар жумласидандир.

Муаллиф фикрича, корпоратив бошқарув тамойилларига асосланган мулкрий муносабатлар ривожлантирилишига бозор иқтисодиётининг ажралмас бўлаги сифатида қаралмоғи лозим. Юқорида кўрсатилган тамойиллар ҳам алоҳида, ҳам биргалиқда корпоратив бошқарув тизимининг ишончлилигини таъминлайди. Бу эса бошқарув тизими ва жараёнларининг янги шакл ва усулларини ривожлантиришга, корхона фаолиятини юритишдаги ахлоқий меъёларга риоя этилишига имконият беради.

Тадқиқотда ушбу ёндашувларни мамлакатимиз корхоналари фаолиятига тўғридан-тўғри кўчириш ва бевосита қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслиги, уларнинг маҳаллий шароитларга, маълум корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти хусусиятларига мос келувчи элементларидан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг **“Акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарувнинг ташкилий тизими ва унинг молиявий-иқтисодий ҳолатини таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарувнинг ташкилий тизими, корхонанинг дивиденд сиёсати, корпоратив бошқарув механизмлари, улардан самарали фойдаланиш муаммолари, бу шаклдаги бошқарув иқтисодий механизмларининг корхона самарадорлигига таъсири таҳлил этилган.

Тадқиқотда саноат корхоналарининг ривожланиш муаммолари ўрганилган. Шу орқали Ўзбекистон Республикасида улар самарадорлигини оширишда корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалаларига асосий эътибор қаратилиб, “Нотўқимачи” акциядорлик жамияти корпоратив бошқарувининг ташкилий тизими таҳлили амалга оширилди. Тадқиқотлар кўрсатишича, мамлакатимиз иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва диверсификация қилиш жараёнларини амалга ошириш, ички ва ташқи инвестициялардан фойдаланиш ўз самарасини бераётганлигини таъкидлаш мумкин. Буни Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарор ўсиши ҳам тасдиқлайди.

Маълумотларга кўра, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш республикада 2007 йилда 21010,6 млрд.сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2008 йилда 2007 йилдагига нисбатан 12,7 фоизга ошган ёки шу даврда ишлаб чиқариш 2668,4 млрд.сўм кўпайган. Бунда энг юқори ўсиш озик-овқат, машинасозлик ва металл ҳамда ёғочни қайта ишлаш саноатида кузатилади. Кимё, енгил ва қурилиш материаллари саноатида эса нисбатан паст ўсиш суръатлари юз берган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши

(млрд. сўм)

Тармоқлар	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2008 йилда 2007 йилдагига нисбатан ўсиш	
				фарқи, (+,-)	%
Ёқилги саноати	2486,9	3842,8	4761,3	918,5	123,9
Кимё саноати	714,6	1096,8	1186,8	90	108,2
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати	1985,6	3100,0	3828,6	728,6	123,5
Ўғочни қайта ишлаш саноати	109,2	154,4	185,0	30,6	119,8
Қурилиш материаллари саноати	587,2	1067,1	1171,7	104,6	109,8
Енгил саноат	2153,4	2861,6	3050,5	188,9	106,6
Озиқ-овқат саноати	1267,1	1953,8	2504,8	551	128,2
Бошқа тармоқлар	5217,1	6934,1	6990,3	56,2	100,3
Республика бўйича	14521,1	21010,6	23679,0	2668,4	112,7

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришда енгил саноат корхоналари салмоқли ўрин тутади. 2009 йилда тармоқда 33 та йирик акциядорлик жамияти фаолият кўрсатган. “Ўзбекенгилсаноат” ДАК таркибига кирувчи “Нотўқимачи” очиқ акциядорлик жамияти (ОАЖ) шулар жумласидандир. Ушбу корхона нафақат Наманган вилояти, балки республика ҳудудларида жойлашган пахта тозалаш корхоналарини пахта тойини ўраш учун комплект ёпқичлар, мебель ишлаб чиқарувчи корхоналарни нотўқима мато, тикувчилик ишлаб чиқарувчиларни ватин маҳсулотлари билан таъминловчи етакчи корхоналардан биридир. Ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида бу акциядорлик жамияти барқарор ривожланиб, юқори даромад олаётганини унинг молиявий кўрсаткичлари ҳам ифодалайди (2-жадвал).

2-жадвал

“Нотўқимачи” ОАЖ молиявий кўрсаткичларининг ўзгариши

(млн. сўм)

Кўрсаткичлар	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2007 йилда 2006 йилдагига нисбатан		2008 йилда 2007 йилдагига нисбатан	
					%	(+,-)	%	(+,-)
Маҳсулот сотишдан даромад	4620,6	6723,1	8127,7	7541,3	120,9	+1404,6	-17,2	-586,4
Солиқ тўлаунга қадар фойда	84,1	167,5	94,7	208,5	-43,5	-72,8	220,2	+113,8
Даромад солиғи	69,3	125,8	80,9	130,3	-35,7	-44,9	161,2	+49,5
Фойдадан бошқа солиқ ва йиғимлар	3,5	6,3	1,6	2,5	-75,0	-4,7	162,5	+1,0
Соф фойда	11,3	35,4	12,2	75,6	-65,3	-23,2	618,0	+63,4

“Нотўқимачи” ОАЖ нинг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, “Нотўқимачи” ОАЖда 2008 йилда маҳсулот сотишдан олинган даромад 7541,2 млн.сўмни ташкил этган. Бу 2007 йилдагига нисбатан 586,3 млн.сўмга ошди. Шунингдек, 2008 йилда корхона

харажатларини кескин камайтириши ҳисобига соф фойда 2007 йилдагига нисбатан 63,3 млн.сўмга ошган. Бу акциядорларга дивидендлар тўлаш, корхонани модернизация қилиш учун ўз маблағини ажратиш имкониятларини кенгайтиради. Ушбу молиявий натижалар “Нотўқимачи” ОАЖда корпоратив бошқаруш органлари, жумладан, Кузатов кенгаши ҳамда акциядорлар умумий йиғилиши маълум самара билан фаолият юритганидан ҳамда корпоратив муносабатларда манфаатлар уйғунлашуви мавжудлигидан далолат беради.

Корхона молиявий барқарорлигининг энг муҳим мезонларидан бири унинг ликвидлиги ҳисобланади. Ликвидлик корхонанинг қисқа муддатли қарзлари буйича тўловларни бажара олиш қобилиятини ифодалайди.

3-жадвал 2006-2008 йиллар мобайнида “Нотўқимачи” ОАЖнинг молиявий ҳолати қандай эканлигини ақс эттиради. Ҳисоб-китоблар натижаси олинган коэффицентлар қабул қилинган меъёрларга нисбатан паст қийматларда эканлигини кўрсатди. Амалиётда тўлов қобилияти коэффицентини K_1 , бирдан кичик бўлмаслиги тавсия этилади. Бирок “Нотўқимачи” ОАЖда бу кўрсаткич 2008 йилда 0,81 ни ташкил этиб, тавсия этилган меъёрга нисбатан 0,19 бандга камайган. Тегишли кўрсаткичнинг пастлиги акциядорлик жамиятида банкротлик хавфи мавжуд эканлигини кўрсатади.

3-жадвал

“Нотўқимачи” ОАЖнинг ликвидлиги коэффицентлари ўзгариши

Кўрсаткичлар	Шартли белги	Меъёр	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2008 йилда 2007 йилдагига нисбатан	
						%	(+, -)
Тўлов қобилияти коэффицентини (коплаш коэффицентини)	K_1	>1	1,59	0,47	0,81	172,3	+0,34
Тез ликвидлик коэффицентини	K_2	>1,2	0,57	0,48	0,81	168,7	+0,33
Мутлак ликвидлик коэффицентини	K_3	>0,2	0,07	0,03	0,05	166,7	+0,02
Айланувчанлик коэффицентини	K_4	-	23,04	25,53	24,83	97,3	-0,7
Товар моддий захираларнинг айланмиш тезлиги	K_5	-	0,41	0,38	0,35	92,1	-0,03
Соф айланма капитал коэффицентини (минг сўмда)	K_6	-	2307,4	2883,4	1922,1	66,7	-961,3
Автоном коэффицентини	K_7	>0,5	0,30	0,29	0,41	141,4	+0,12

Ликвидлик кўрсаткичи коэффицентлари “Нотўқимачи” ОАЖнинг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Корхонанинг айланма маблағлари қанча кўп бўлса, тўлов қобилияти коэффицентини шунча юқори бўлади. Мутлак ликвидлик коэффицентини K_3 , 0,2 дан катта бўлиши тавсия этилса-да, корхонада бу кўрсаткич 2008 йилда 0,05 га тенг бўлган ёки меъёрида тавсия этилганига нисбатан 25 фоизни ташкил этган. Мазкур кўрсаткич қиймати меъёрдагидан камайиб кетиши корхонада молиявий танглик мавжудлигини билдиради. Чунки бу кўрсаткич корхонанинг пул маблағларига бевосита боғлиқ.

Глобал молиявий инкирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш жараёнида корхона молиявий барқарор ишлаши ва унда молиявий ресурслар шаклланиши ҳамда улардан самарали фойдаланиш корпоратив муносабатларда иштирок этувчилар манфаатлари учун муҳим. Тадқиқотлар натижасида молиявий кўрсаткичларни таҳлил этиб бориш корхона молиявий ҳолатига баҳо бериш учун асосий омил бўлиб хизмат килади. Бу эса маблағларни йўналтиришнинг турли вариантларидан энг ишончли ва самаралини танлаб олишга ёрдам беради. Натижада корхоналар фаолиятида юқори молиявий натижаларга эришишга интилиш сезиларли даражада ортиб боради. Амалиётда корхона самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич сифатида рентабеллик кўрсаткичига таянилади. Рентабеллик даражаси корхона бўйича харажатлардан, асосий ва айланма маблағлардан, ўз маблағларидан қандай фойдаланилганлигини аниқлаш имконини беради.

Тадқиқот ишида “Нотўқимачи” ОАЖ фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун сотилган маҳсулотлар, активлар, айланма маблағлар ва бошқа кўрсаткичларнинг ўртача йиллик қийматлари орқали уларнинг рентабеллик даражаси ўзгариши таҳлил этилди. 4-жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики, корхона бир қанча кўрсаткичлар ҳисобига рентабелликнинг ўсиш суръатига эришган. Маҳсулот сотиш бўйича рентабеллик даражаси 2008 йилда олдинги йилдагига нисбатан 0,08 бандга ортган. Ўз маблағларининг рентабеллик кўрсаткичи ҳам 2008 йилда 11,77 фоизни ташкил этиб, 2007 йилдагига нисбатан 1,21 бандга ошган. Корхонада пул маблағларининг қандай ишлаётганлигини ифодаловчи ушбу кўрсаткич акциялар қийматини баҳолашда инвесторлар учун муҳим кўрсаткичлардан биридир. Айнан шу кўрсаткич қимматли қозғолар бозорида харидор ва сотувчиларга қайси корхона акциясини сотиб олиш бўйича қарор қабул қилиш йўлларини кўрсатади. Активлар рентабеллиги кўрсаткичи 2008 йилда 2007 йилдагига нисбатан 1,34 бандга пасайган. Бунга сабаб 2008 йилда технологик жараёни янгилаш мақсадида катта маблағга технологик ускуна сотиб олинган. Аммо унинг самараси шу йилнинг ўзидаёқ намоён бўлмаган.

4-жадвал

“Нотўқимачи” ОАЖнинг моддий активлари рентабеллик даражасининг ўзгариши, фондда

Кўрсаткичлар	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2008 йилда 2007 йилдагига нисбатан ўсиши (+), камайиши (-)
Сотилган маҳсулотлар	0,16	1,46	1,54	0,08
Активлар	0,73	4,73	3,39	-1,34
Айланма маблағлар	1,65	14,58	17,41	2,83
Асосий воситалар	1,18	9,90	11,56	1,66
Ўз маблағлари	1,38	10,56	11,77	1,21
Низом жамғармаси	2,57	21,76	28,73	6,97
Акциялар	1,16	9,79	12,93	3,14

“Нотўқимачи” ОАЖнинг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Рентабеллик кўрсаткичлари тахлили ҳар қандай корхонада ички имкониятларни топиш ва самарадорликни ошириш учун муҳим дастаклардан биридир. Молиявий кўрсаткичлар тахлили бошқа ОАЖлари каби “Нотўқимачи” ОАЖда ҳам дивиденд тўловлари бўйича қарор қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга. Дивидендлар акциядорлик жамияти фойдаси миқдорига боғлиқ ва у дивиденд сийёсати тўғрисида муайян фикрни шакллантиришга асос бўлади.

Фойдани тақсимлашда акциядорлик жамиятининг дивиденд сийёсати, одатда, ижроия органи томонидан ишлаб чиқилади ва акциядорлар умумий мажлисида тасдиқланади. Натижада дивиденд бир томондан, қимматли қоғозлар эгасига даромад сифатида қабул қилинса, иккинчи томондан, унинг ёрдамида бошқа кўрсаткичлар, шу жумладан, оддий акциялар нархи ҳисоблаб чиқарилади.

Диссертацияда амалга оширилган ҳисоб-китоблар тахлили, корпоратив бошқарувнинг ташкилий тизими ва механизмларидан самарали фойдаланиш, иқтисодий механизмларини такомиллаштириш корхона самарадорлиги орттириши кўрсатади. Муаллиф фикрича, корхонада дивиденд сийёсати тўғри йўналтирилиши корхонанинг асосий ўзагини сақлаб қолишга, у акциядорлар, салоҳиятли инвесторлар, кредиторлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларни кўз олдига обрў орттиришида муҳим омил ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Корхоналар иқтисодий самарадорлигини оширишда корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари”** деб номланган учинчи бобида эса корхонанинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда инкирозга қарши омиллардан фойдаланиш йўллари, корпоратив бошқарув моделлари ва улардан мамлакатимиз корхоналарида фойдаланиш имкониятлари, корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негизида корхоналар самарадорлигини ошириш ҳамда корпоратив бошқарувнинг миллий моделини ривожлантириш чора-тадбирлари баён этилган.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашиб, халқаро иқтисодий чегаралар шаффофлашиб бораётган ҳозирги шароитда корхоналарни бошқаришда энг самарали бошқарув усулларидан фойдаланиш, корхона иқтисодий самарадорлигини баҳолашда инкирозга қарши омилларни ҳисобга олинишини тақозо этади.

Тадқиқотлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни жадал такомиллаштириш заруратини юзага келтиради ва мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилашга замин яратади. Шуларни инобатга олиб, акциядорлик корхоналари иқтисодий самарадорлигини оширишда корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш муҳим эканлигини кайд этиш мумкин. Бу борада мамлакатимиз олимларидан Д.Суёнов²⁰ корхоналарда корпоратив бошқарувни амалга оширадиган

²⁰ Суёнов Д. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. - Т.: Академия, 2007. - 319 б.

механизмларга эътибор қаратиш муҳимлигини таъкидлаб, “Корпоратив бошқарув механизми – бу корпоратив мулк шаклига кирувчи субъектларнинг белгиланган мақсадига эришиш учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий муносабатларни ҳаракатга келтирувчи элементлар мажмуидир”, – деган таърифни келтиради. Бу таърифда корпоратив бошқарув механизми мамлакатда шаклланган бизнес муҳитга боғлиқлиги нуқтани назардан кўриб чиқилган.

Шуларни ҳисобга олиб, муаллиф томонидан мазкур соҳадаги илмий изланишларга эътибор қаратилган ҳолда, корпоратив бошқарувнинг мажмуавий механизми тавсия этилган (1-расм).



1-расм. Корпоратив бошқарув органлари фаолиятининг асосий йўналишлари²¹


Корпоратив бошқарувнинг таклиф этилаётган мажмуавий механизми асосини акциядорлик жамиятлари молиявий-иқтисодий барқарорлиги ва самарадорлигини ошириш юзасидан корпоратив органлари фаолияти йўналишлари ва вазифалари ташкил этади.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив муносабат иштирокчиларининг асосий мақсади корхона юқори фойда олиши ва олинган фойда ҳисобидан дивиденд кўринишида даромадга эга бўлишидир. Мулкдорлар манфаатлари ҳимояланиши эса уларнинг корхона самарадорлигини оширишдан манфаатдорлигини таъминлайди.

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, корпоратив бошқарув органлари ўз вазифаларини тўлақонли бажариши корхоналар инвестиция жозибадорлиги ошишига олиб келади.

²¹ Муаллиф ишланмаси.


Тадқиқотда қўйилган муҳим вазифалардан келиб чиқиб, эришилган натижалардан яна бири корпоратив бошқарув механизмларига таъсир этадиган воситалар аниқланганлиги ва улар муаллиф томонидан тизимлаштирилганлигидир (2-расм).



2-расм. Корпоратив манфаатлар мувозанатини таъминлаш усуллари²²

Мамлакатимиз акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими ва механизмлари амалий самарадорлигини ошириш корпоратив муносабат иштирокчиларининг манфаатлари мувозанатига боғлиқ. Шунинг учун олиб, тадқиқотда корпоратив бошқарув тизимида манфаатлар мувозанатини таъминловчи омиллар ва назорат усуллари асослаб берилган. Корпоратив бошқарувнинг таклиф этилаётган усуллари самарали ишлаши учун давлатнинг иқтисодий тартибга солиш билан боғлиқ молиявий-иқтисодий, қонунчилик, солиқ назорати, валюта ва божхона сиёсати воситаларини такомиллаштириш лозим. Тадқиқотда ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни кенг жорий этишни рағбатлантиришга йўналтирилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда муаллиф томонидан корпоратив бошқарувнинг миллий моделини такомиллаштириш бўйича таклифлар асосланди. Жараён уч поғонада – корхона, ҳудуд ва республика миқёсида амалга оширилиши лозим ва улар ўзaro боғлиқ муайян чора-тадбирларни ўз ичига олади (3-расм).

²² Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.



3-расм. Корпоратив бошқарув моделини такомиллаштириш йўллари²³

Корпоратив бошқарувнинг муаллиф томонидан тавсия этилаётган миллий моделини такомиллаштириш йўллари корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш бўйича белгиланган вазибаларни бажариш юзасидан ишлаб чиқаришни самарали ривожлантиришнинг стратегик мақсадларини белгилаб олишга ёрдам беради.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса чиқадики, бугунги кунда мамлакатимизда корпоратив бошқарувнинг миллий моделини такомиллаштириш бевосита корхоналарга қўшимча инвестицияларни жалб этиш имконини беради. Муаллиф таклифига кўра, корхона даражасида

²³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

акциядорлар ва инвесторларнинг корпоратив ҳуққ ва маданиятини шакллантириш, корхона инвестицион жозибadorлигини ошириш зарур. Шунингдек, корпоратив бошқарувдан қутилаётган натижаларга эришишда корпоратив муносабатлар иштирокчилари, корхоналар ва мазкур соҳа билан шуғулланаётган мутахассисларни ҳуқуқий ва махсус қўлланмалар билан таъминлаш лозим. Худудий даражада акциядорлик жамиятлари рейтингини аниқлаб бориш ва улар тўғрисидаги ахборотларни корпоратив бошқарувга тааллуқли, республика миқёсида тузиладиган ягона WEB сайт орқали бериб бориш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, корпоратив бошқарувнинг миллий моделини такомиллаштириш бўйича республика миқёсида бажариладиган асосий вазифалардан бири мамлакатимизда корпоратив бошқарув кодексини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишдан иборат.

Юқорида келтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизмлари самарали ишлашига ҳамда уларда мавжуд технологияларни модернизация қилиш, замонавий технологиялар билан қуролланиш учун инвестициялар жалб этишни фаоллаштиришга яхши замин яратади.

ХУЛОСА

1. Корпоратив бошқарув тизимини ташкил этувчи механизмларни ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотларда бу механизмларга илмий ёндашув етишмаслиги аниқланди ҳамда турли ёндашувларни ўрганиш асосида корпоратив бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари кўрсатиб берилди.

2. Диссертация ишида корпоратив бошқарувнинг ривожланган хориж тажрибасида тан олинган акциядорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ошқоралик, адолатлилик, жавобгарлик ҳамда ҳисоб бериш мажбурияти тамойилларига қатъий амал қилиниши инвесторлар билан муваффақиятли иш олиб боришда муҳим ўрин тутуши ўз исботини топди. Чунки корпоратив бошқарув тамойилларига қатъий амал қилиш муҳим инвестицион қарорлар қабул қилиш чоғида эътиборга олинishi керак бўлган асосий омиллардан бири саналади.

3. Корпоратив бошқарув тамойилларига асосланган муқий муносабатларнинг ривожлантирилиши бозор иқтисодиётининг ажралмас бўлаги сифатида қаралмоғи лозим. Акциядорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ошқоралик, адолатлилик, жавобгарлик ҳамда ҳисоб бериш мажбурияти тамойиллари ҳам алоҳида, ҳам биргаликда корпоратив бошқарув тизимининг ишончлилигини таъминлайди. Бу эса бошқарув тизими ва жараёнларининг янги шакл ва усулларини ривожлантиришга, корхона фаолиятини юритишдаги ахлоқий меъёрларга риоя этилишига имконият беради.

4. Тадқиқотда хориж тажрибасида тан олинган ёндашувларни мамлакатимиз корхоналари фаолиятига тўғридан-тўғри кўчириш ва бевосита фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслиги, уларнинг мамлакатимиз маҳаллий

шароитларига, маълум корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти хусусиятларига мос келувчи элементларидан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилди.

5. Қайд этиш жоизки, акциядорлик жамияти барқарор ривожланиши ва юқори даромад келтириши унинг молиявий кўрсаткичларида ўз ифодасини топади. Натижада акциядорларга дивидендлар тўлаш, корхонани модернизация қилиш учун ўз маблағини ажратиш имкониятлари кенгайди. Бу эса корпоратив бошқарув органлари, жумладан, кузатув кенгаши ҳамда ижроия органи маъсулиятларини янада оширади.

6. Ҳисоб-китоблар таҳлили, корпоратив бошқарувнинг ташкилий тизими ва воситаларидан самарали фойдаланиш, унинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш корхона самарадорлиги ортишини кўрсатади.

7. Тадқиқотда қўйилган муҳим вазифалардан яна бири корпоратив бошқарув механизмларига таъсир этадиган воситалар аниқланганлиги ва тизимлаштирилганлигидир. Корпоратив бошқарув тизими ва механизмлари самарадорлигини ошириш корпоратив муносабат иштирокчиларининг манфаатлари мувозанатига боғлиқ. Шуни ҳисобга олиб, тадқиқотда корпоратив бошқарув тизимида манфаатлар мувозанатини таъминловчи омиллар ва назорат усуллари асослаб берилди.

8. Корпоратив бошқарувнинг муаллиф томонидан тавсия этилаётган миллий моделини такомиллаштириш йўллари корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш ҳамда ишлаб чиқаришни самарали ривожлантиришнинг стратегик мақсадларини белгилаб олишга ёрдам беради.

Тадқиқот натижалари ва хулосалардан келиб чиқиб, корхоналар иқтисодий самарадорлигини оширишда корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларидан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

а) корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, унинг тамойил ва механизмларини тўғри йўлга қўйишда комплекс ёндашувни ҳисобга олиш зарур;

б) акциядорлик жамиятида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан корхона самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилишда рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил этишга жиддий эътибор қаратиш лозим. Чунки бу акциялар қийматини баҳолашда инвесторлар учун муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланиб, у қимматли қоғозлар бозорига харидор ва сотувчиларга қайси корхона акциясини сотиб олиш ҳақида қарор қабул қилиш йўлларини кўрсатади;

в) корпоратив бошқарувнинг таклиф этилаётган мажмуавий механизми акциядорлик жамиятлари молиявий, иқтисодий барқарорлиги ҳамда самарадорлигини ошириш юзасидан корпоратив органлар фаолияти йўналишлари ва вазифаларини аниқ белгилаб беради;

г) кузатув кенгаши режаси бўйича ўтказиладиган ҳар бир мажлис кун тартибига корхона молиявий ҳолатининг таҳлили муҳокама қилиниши корхона уставига белгилаб қўйилиши зарур;

д) ижроия органининг кузатув кенгашига тақдим этадиган жорий ҳисоботларида корхонада йўл қўйилган молиявий йўқотишлар ва уларнинг оқибатлари ҳақидаги ахборотлар батафсил тақдим этиб борилиши зарур;

е) корпоратив бошқарув бўйича таклиф этилаётган усуллар самарали ишлаши учун давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш билан боғлиқ молиявий-иқтисодий, қонунчилик, солиқ назорати, валюта ва божхона сиёсати воситаларини такомиллаштириш лозим;

ж) корпоратив бошқарув иқтисодий механизмларини такомиллаштиришда акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсати муҳим дастаклардан биридир. Корхонада дивиденд сиёсатининг тўғри юритилиши акциядорлар, салоҳиятли инвесторлар, кредиторлар, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини қизиқишлари ортисига ҳамда корхона муайян обрў орттиришида муҳим омил ҳисобланади;

з) тадқиқот объекти сифатида олинган “Нотўқимачи” очик акциядорлик жамиятида акциядорлар номидан молиявий назоратни олиб бориш масъулияти юкланган шахсларга нисбатан малакавий талаблар қўйилиши лозим;

и) иқтисодиётни модернизация қилиш даврида ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни кенг жорий этишни рағбатлантиришга йўналтирилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда корпоратив бошқарувнинг миллий моделини такомиллаштириш бўйича таклифлар асосланди. У уч поғонада – корхона, ҳудуд ва республика миқёсида амалга оширилиши лозим.

ЧОП ЭТИЛГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Расулов Н., Акрамов А. Ҳиссадорлик жамиятларида акцияларни сотишни такомиллаштириш масалалари // Профессор-Уқитувчилар, аспирантлар ва талабаларнинг XXIII анъанавий илмий-амалий конференцияси. – Наманган: НамМПИ, 2002. – Б. 69-71.

2. Расулов Н., Шерматов Ғ., Набиева С. Акциядорлик жамиятларида бошқарув самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари // Янги технологиялар – иқтисодий тараққиётнинг асосий омили: Республика илмий-амалий конференцияси. – Наманган: НамМПИ, 2003. IV қисм. – Б. 16-19.

3. Расулов Н., Шерматов Ғ. Мулкчилик соҳасидаги ислохотлар ҳамда миллий иқтисодиётда акциядорлик жамиятларининг ўрни ва истиқболлари // Янги технологиялар – иқтисодий тараққиётнинг асосий омили: Республика илмий-амалий конференцияси. – Наманган: НамМПИ, 2003. – Б. 27-31.

4. Расулов Н. Корпоративное управление в Узбекистане при переходе к рыночной экономике // Социально-экономические проблемы переходной экономики: Тез. докл. межд. науч. конф. – Санкт-Петербург, 2005. – С. 197-199.

5. Расулов Н. Корпоративное управление – механизм рыночной экономики // Социально-экономические закономерности развития мирохозяйственных связей в условиях усиления интеграционных процессов: Тез. докл. межд. науч. конф. – Москва, 2006. – С. 189-191.

6. Расулов Н. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни ривожлантириш истиқболлари // Касб таълими йўналиши бўйича муҳандис-

педагоглар тайёрлаш: тажриба ва муаммолар: Республика илмий-амалий конференцияси. – Наманган: НамМПИ, 2006. – Б. 285-287.

7. Расулов Н. Акциядорлик жамиятлари иқтисодий самарадорлигини оширишда инвестициялардан фойдаланиш муаммолари // Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш, сервис ва туризм корхоналари иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари: Республика илмий-амалий конференцияси. – Самарқанд: СамИ ва СИ, 2006. – Б. 145-149.

8. Расулов Н. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш муаммолари // Ҳозирги замон географиясининг долзарб муаммолари: Халқаро илмий конференция: – Андижон: АнДУ, 2007. – Б. 280-282.

9. Расулов Н. Проблемы развития корпоративного управления в Узбекистане // Актуальные проблемы экономического развития в современных условиях: Двадцатые международное Плехановские чтения. – Москва, 2007. – С. 120-122.

10. Расулов Н. Корпоратив бошқарув моделлари ва уларнинг қиёсий таҳлили // Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш: тажриба ва муаммолар: Республика илмий-амалий конференцияси. – Наманган: НамМПИ, 2007. – Б. 62-64.

11. Расулов Н. Самарали корпоратив бошқарув – инвестицияни жалб этишнинг гаровидир // Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар ҳамда трансмиллий корпорацияларни жалб қилиш муаммолари: Республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент: ТДИУ, 2007. – Б. 143-146.

12. Расулов Н., Тураева З. Манфаатлар ўртасидаги тафовутлар // Солиқ тўловчининг журнали: – Тошкент, 2007. -№10. – Б. 45-46.

13. Расулов Н. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни ривожлантириш муаммолари // Бозор муносабатлари шароитида бошқарув фаолиятини такомиллаштириш: Республика илмий-амалий конференцияси. – Фарғона: ФарПИ, 2007. – Б. 25-27.

14. Расулов Н. Акциядорлик жамиятларида самарали бошқарув усули ва инвестициялардан фойдаланиш муаммолари // Ж. Иқтисодиёт ва таълим: – Тошкент: ТошДИУ, 2007. -№3. – Б. 44-49.

15. Зайнутдинов Ш., Расулов Н. Формирование и развитие корпоративного управления в Узбекистане // Академический журнал Западной Сибири: Научно-практический журнал. – Тюмень, 2007. -№5. – С. 18-20.

16. Зайнутдинов Ш., Расулов Н. Корпоратив бошқарув // Ж. Ўзбекистон кишлок хўжалиги: – Тошкент, 2008. -№12. – Б. 32-33.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Расулов Нодирбек Мадрахимовичнинг 08.00.13 - “Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги бўйича “Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негзида корхоналар ривожланиш самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон Республикаси sanoat корхоналари материаллари мисолида)” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: акциядорлик жамияти, корпоратив бошқарув, дивиденд сиёсати, корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизми, самарадорлик, инвестиция, диверсификация, кузатув кенгаши, акциядорларнинг умумий йиғилиши.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон Республикаси sanoat корхоналари, хусусан, Наманган вилоятидаги мавжуд акциядорлик жамиятлари ҳамда “Ўзбекенгилsanoat” ДАК таркибига кирувчи “Нотўқимачи” акциядорлик жамияти.

Ишнинг мақсади: корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негзида корхоналар самарадорлигини ошириш бўйича илмий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: мантикий ва қиёсий таҳлил, илмий абстракция, тизимли таҳлил, монографик кузатиш, илмий мушоҳада, статистик гуруҳлаш ҳамда график усуллардан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: самарали корпоратив бошқарув тизими шаклланиши, уни такомиллаштириш ёндашувларининг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий моҳияти очиқ берилган; очиқ акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув механизми самарадорлиги баҳоланган ва уни ривожлантириш йўналишлари асосланган; акциядорлик жамиятлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган корпоратив бошқарув органлари фаолиятининг мажмуавий механизми тавсия этилган; корпоратив бошқарув жараёнида корпоратив манфаатлар мувозанатини таъминлаш механизмлари тизими тавсия этилган; корхона, ҳудуд ҳамда республика миқёсида корпоратив бошқарувнинг миллий моделини такомиллаштириш йўллари илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Амалий аҳамияти: илмий хулоса ва амалий таклифлардан акциядорлик жамиятлари иқтисодий самарадорлигини оширишда, акциядорлик жамиятларини шакллантиришда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертация иши натижалари, таклиф ва тавсиялари Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси ва “Нотўқимачи” акциядорлик жамиятида амалиётга татбиқ этиш мақсадида қабул қилинган. Улардан олий ўқув юртларида “Менежмент”, “Корпоратив бошқарув” фанларини ўқитишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришда.

РЕЗЮМЕ

диссертации Расулова Нодирбека Мадрахимовича на тему: “Повышение эффективности развития предприятий на основе совершенствования экономических механизмов корпоративного управления (на примере материалов промышленных предприятий Республики Узбекистан)” на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.13 – “Менеджмент и маркетинг”

Ключевые слова: акционерное общество, корпоративное управление, дивидендная политика, экономические механизмы корпоративного управления, эффективность, инвестиция, диверсификация, наблюдательный совет, общее собрание акционеров.

Объекты исследования: промышленные предприятия Республики Узбекистан, в частности акционерные общества, функционирующие в Наманганской области и акционерное общество “Нотукимачи”, входящее в состав ГАК “Узбекенгилсаноат”.

Цель работы: разработка научных и практических рекомендаций и предложений по повышению эффективности развития предприятий на основе совершенствования экономических механизмов корпоративного управления.

Методы исследования: логический и сопоставительный анализ, научная абстракция, системный анализ, монографическое наблюдение, научное размышление, статистическое группирование и графический способ.

Полученные результаты и их новизна: раскрыта экономическая суть и своеобразные качества подходов его совершенствования, формирования системы эффективного корпоративного управления; оценена эффективность системы корпоративного управления в открытом акционерном обществе и обоснованы пути его развития; предложен комплексный механизм деятельности органов корпоративного управления, направленный на повышение эффективности акционерных обществ; рекомендована система механизмов обеспечения баланса корпоративных интересов в процессе корпоративного управления; научно обоснованы пути совершенствования национальной модели корпоративного управления в рамках предприятия, территорий и республики.

Практическая значимость: научные выводы и практические предложения могут применяться при повышении экономической эффективности акционерных обществ, при формировании акционерных обществ.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты диссертационной работы, предложения и рекомендации автора приняты в региональном управлении Наманганской области Государственным комитетом управления государственным имуществом Республики Узбекистан и акционерном обществе “Нотукимачи”. А также могут быть использованы в преподавании предметов “Менеджмент”, “Корпоративное управление” в высших учебных заведениях.

Область применения: при совершенствовании системы корпоративного управления в акционерных обществах.

RESUME

Thesis of Rasulov Nodirbek Madrahimovich on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in economics on specialty 08.00.13 – “Management and marketing” on the theme “Increasing the effectiveness of enterprise development on the basis of improvement of economic mechanisms of corporate governance (on the example of the information from the industrial enterprises of the Republic of Uzbekistan)”

Key words: joint-stock company, corporate governance, dividend policy, the economic mechanisms of corporate governance, efficiency, investment, diversification, supervisory board, general meeting of shareholders.

Subjects of research: industrial enterprises of Uzbekistan Republic, in particular joint-stock companies existing in Namangan region and particular joint-stock company “Notukumachi” that is a part of GAK “Uzbekengilsanoat”.

Purpose of work: development of scientific and practical advices and proposals on enhancing efficiency of enterprises development on the basis of improvement of economic mechanisms of corporate governance.

Methods of research: logical and comparative analysis, scientific abstraction, systemic analysis, monographic observation, scientific speculation, statistical grouping and graphical method.

The results obtained and their novelty: the formation of effective corporate governance system, the distinctive features of approaches of its improvement and economic essence has been discovered; the effectiveness of the mechanism of corporate governance in joint stock companies has been estimated and the directions of its development has been justified; the complex mechanism of performance of corporate governance bodies directed to enhancement of the effectiveness of joint stock companies has been proposed; the system of mechanisms for the provision of corporate interests’ balance has been proposed; the methods of improving the national model of corporate governance at enterprises, administrative regions and in the republic has been justified scientifically.

Practical value: scientific conclusions and practical offers can be applied at increase of economic efficiency of joint-stock companies, at formation of joint-stock companies.

Degree of embed and economical affectivity: offers and practical recommendations of the author are accepted in a regional government of the Namangan area by the State committee of management of the state property of Republic of Uzbekistan and joint-stock company “Notukumachi”. Besides, it is possible to apply in teaching of subjects “Management”, “Corporate governance” in higher educational institutions.

Field of application: at improvement of system corporate governance in joint-stock companies.

Когоз Бичими	1,3 б.т.
Босишга рухсат этилди	06.05.2010 й.
Тиражи	100 нусха
Буюртма №	454

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«ТАЛАБА» янги ахборот технологиялари марказининг
«RISO» нусха кўчириш техникасида чоп этилди

Тошкент, Ўзбекистон
шоҳкўчаси, 49-уй